

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

| | |
|---|----|
| А.Э.Мадраҳимов Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари | 5 |
| В.Т.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар | 12 |

КИМЁ

| | |
|--|----|
| И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов Йод танқислигини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби..... | 19 |
| Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хаитбаев Бетулон кислотасини синтез қилиш | 24 |
| Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш | 29 |

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

| | |
|---|----|
| В.Махмудов Маданийлаштириш шароитларида <i>Agropyron Cristatum</i> (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли..... | 36 |
| М.Холиқов, Ё.Ахмедова Қора калхат (<i>milvus migrans</i>)нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида..... | 43 |

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

| | |
|---|----|
| М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов Доривор <i>sarparis spinos</i> нинг морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари | 45 |
| Н.Ж.Халилова Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари | 49 |
| А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжиболаева Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик хусусиятлари | 52 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

| | |
|---|----|
| Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов Кластер: назария ва амалиёт | 57 |
| А.Мирсодиқов Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари | 62 |

ТАРИХ

| | |
|---|----|
| Э.Раҳмонов Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида)..... | 65 |
| А.Азизов Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида)..... | 69 |
| Б. Усмонов Темурийлар даврида Фарғона боғдорчилиги | 73 |
| С.А. Хошимов Миллий сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқ ва таъқиблар | 76 |
| Р.Х.Максудов Музей – халқ тарихининг кўзгуси | 80 |
| О.А. Кличев Бухоро амирлигида элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари)..... | 83 |
| О.В.Маҳмудов Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар)..... | 87 |

УДК: 570+598.2/9

ҚОРА КАЛХАТ (MILVUS MIGRANS)НИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲАЁТ ЦИКЛИ ҲАҚИДА
О ЖИЗНЕННОМ ЦИКЛЕ ЧЕРНОГО КОРШУНА (MILVUS MIGRANS) В ФЕРГАНСКОЙ
ДОЛИНЕ

ABOUT THE LIFE CYCLE OF MILVUS MIGRANS IN FERGANA VALLEY

М.Холиқов, Ё.Ахмедова

Аннотация

Мақолада қора калхат (*Milvus migrans*)нинг Фарғона водийсидаги ҳаёт цикли ҳақида маълумот берилган. Уларнинг ўз жуфтини топиши, учраши, ин қуриши кўрсатилган. Ин қуриш вақти учиб келиши билан мос келиши ҳамда учиб кетиш вақтлари баён қилинган.

Аннотация

В статье представлены сведения о жизненном цикле черного коршуна (*Milvus migrans*) в Ферганской долине. На основе литературных данных и личных наблюдений, показано, как часто встречается этот вид птиц, как особи черного коршуна находят друг друга и выют гнездо, а также совпадение времени витья гнезда со временем их прилета и отлета.

Annotation

The article titled the life cycle of *Milvus migrans* in the Fergana valley. On the basis of literary data and personal observation some information such as knowing their couples, their occurrence, building nests are given.

Таянч сўз ва иборалар: полапон, ўлаксаҳўр, сайҳонлик, санитарлик, СИТЕС, конвенция.

Ключевые слова и выражения: птенец, падальщик, открытое место, санитары, СИТЕС, конвенция.

Keywords and expressions: *Milvus migrans*, magpie, shell, turbulence, sayhonlik, contingeum.

Фарғона водийсида қирғийсимонлар оиласига мансуб қора калхат бошқа йиртқич қушларга нисбатан кўп тарқалган. Уни учиб бораётганида бошқа йиртқич қушлардан айри думига қараб осон ажратиб олиш мумкин. Руль патлари ўртадагиларидан узунроқ бўлиб, қуш учганида, ҳатто ўтирганида кесик бўлиб кўриниб туради. Тез-тез қанот қоқиб, айлана ҳосил қилиб учади. Овози жарангдор бўлиб, хуштак овозини эслатади.

Қора калхат Ўзбекистонга март ойининг биринчи ўн кунлигидан учиб кела бошлайди. Фарғона водийсига Сирдарё бўйларидаги тўқайларга, тоғолди ҳудудларига, сув ва дарахт кўп бўлган текисликларга март ойининг охирларида учиб келади. Қора калхатлар уялаб жўжа очади, доимий бир жойга эҳтиёж сезади ва бу жой албатта сув яқинида ҳамда озиқ-овқат кўпроқ бўлган ҳудудларда бўлиши керак.

Ёзда уялаш ҳудудларида жуфт ҳосил қилишга улгурмаган индивидлар ўзаро кичик-кичик галаларни ҳосил қилиб учиб юришади. Бундай галаларда 30 тагача калхат бўлиб, улар орасида вояга етганлари, жуфтидан айрилганлари ва ҳали вояга етмаганларини учратиш мумкин. Уя қуриш давридаги ўйинлар нар ва мода қушнинг самода бир хил шаклли ҳолда учишидан бошланади. Уларнинг уялари кўпинча гуруҳ ҳолатида жойлашади. Жуфтликларнинг

уялаш майдони жуда кучсиз чегараланган ёки чегараланмаган бўлади. Баъзида эса уяларини зағизгонлар уялайдиган жойларда ҳам кўриш мумкин (Бешариқ, Чорбоғ тўранғил қишлоғи, Сирдарё бўйидаги тўқайзорлар (2011)).

Бу қушлар апрелдан бошлаб ин қура бошлайди. Кўп ҳолатларда эски инларини тuzатади. Янги уя қуриш ёки эски уяларидан фойдаланиш вақти учиб келиш муддатига боғлиқ. Қора калхатлар уяларини одатда дарахтларга, жумладан, тол, терак, тўранғил каби бўйи 10 метр атрофидаги, камдан-кам ҳолларда эса қояларга (Наманган, Чодак) қуради. Уянинг ўлчами турлича бўлиб, уясига турли хил латталар, овқат қолдиқлари, қуриган от гўнги, қоғоз парчалари ва қуруқ ўтларни тўшайди. Уя қуриш жараёни, уянинг катталигига қараб ҳар хил вақтда яқунланади. Андижон вилоятининг Балиқчи туманида майнинг бошларигача, Ўзбекистон туманининг адир зонасидаги ўрикзорларда 20-апрелгача, Бешариқ ва Фурқат тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё бўйидаги тўқайларда 31-апрелгача давом этади (2011 йил). Уя бузилиб қолган ҳолларда уни қуриш бошқатдан бошланади.

Уя қурилиши тугагач, 1-2 кун фарқи билан инига биринчи тухумни қўяди. Тухумларни қўйиш орасидаги вақт 2-3 кунни ташкил қилади, тухумлар сони одатда 4та

М.Холиқов - ФарДУ, биология фанлари номзоди, катта ўқитувчи.
Ё.Ахмедова - ФарДУ, магистрант.

(1-4-6-9.05. 2011, Фурқат). Кам ҳолларда 1-2 тагача тухум қўйиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Тухумни босиш биринчи тухум қўйилган вақтдан бошланади.

Тухум босиш жараёнида эркагининг роли у қадар ката аҳамиятга эга эмас, тухумлари майнинг охири ва июннинг бошларида очиб чиқади. Кўп ҳолларда тухумларнинг биттасидан полопон чиқмайди. Тухумларни ёриб чиқиш жараёнида мода қуш полопонларнинг тухум пўчоғидан (скорлупадан) халос бўлишига ёрдам беради. Тухумдан чиқиш жараёни 2-3 кун давом этади. Кўпинча энг охириги очиб чиққан полопон нобуд бўлади. Полапонлари 24-25 кунда пат чиқаради, 6 ҳафталик бўлганида, биринчи марта уядан учиб чиқади.

Калхатлар ҳаммахўр қуш ҳисобланиб, ўлаксалар, қушхона қолдиқлари билан озиқланади. Кўпинча кемирувчилар, қўнғизлар, чигирткаларни, баъзан қушларни тутиб ейди [1.1 том 426] Бу қушлар йирик сув ҳавзаларида, оқова сувлар қўйиладиган ҳудудларда ҳам кўплаб учрайди. Чунки бу ердан чала ўлик балиқларни топиш анча осон ҳисобланади. Фарғона водийси шароитида калхатларнинг айрим жуфтлари Андижон балиқчилик хўжалигининг балиқ кўпайтириладиган кўллари атрофида балиқ овидан сўнг қолиб кетган айрим майда балиқлар билан озиқланиши кузатилган (Андижон, 2011).

Фаол ҳужум қилиш калхатларда кузатилмайди, чунки уларнинг панжалари кучсиз, тирноқлари калта, бу тузилиш билан

улар фақат майдороқ жониворларгагина ҳужум қила оладилар. Учиш усули ва ўлжа излаши билан калхатлар ҳақиқий ўлаксахўр тасқараларга яқин туради. Калхат яхши парвоз қилади. Узун қанотлари ва кенг думи ҳисобига тана массасини осон кўтаради. Калхат очиқ сайхонликда тахминан 70-100 метр баландликда секин аста учиб, ов қилади. Калхатлар ов қилишда уясидан 3-4 км узоқлашиб кетади, шунинг учун калхатларни бошқа йиртқич қушлар каби ов қилиш ҳудудларини аниқ чегаралаб бўлмайди. Калхатларнинг ов қилиш фаоллиги қуёш чиқиши билан бошланади, кун ўртасида дам олади ва кечки соат 16-17 ларда яна овга чиқади.

Фарғона водийсидаги калхатларнинг учиб кетиши августнинг охири – сентябрнинг бошларига тўғри келади. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида калхатларни ноябрь ойигача учратиш мумкин. Қора калхат Марказий Африка ва Осиё жанубида қишлайди.

Кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги зараркундалари ҳисобланган ҳайвонлар билан озиқланганлиги учун калхатларни фойдали қушлар қаторига киритишимиз мумкин. Шунга кўра бу қушни муҳофаза қилишимиз, асрашимиз керак.

Дунё бўйича уларнинг популяциялари анча қисқариб бораётганлиги сабабли, бу қушни асраб қолиш мақсадида СИТЕС (Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция)нинг II иловасига киритилган.

References:

1. Zahidov T. Z., Meklenburtsev R. N. Priroda i jivotniy mir Sredney Azii. V 2-h tomah. Tashkent: Izd-vo Ukituvchi. 1969. — Tom 1. 426 s.
2. Matchanov N. M., Meklenburtsev R. N. Ptitsi Uzbekistana: v chetiryoh tomah / Institut Zoologii i parazitologii. — Tashkent: Izdatelstvo «Fan» Uzbekskoy SSR, 1987. Tom 1. 291 s.

(Taqrizchi: G.Khomidov).